

Обод ва файзли маҳалла - юрт кўрки: Термиз туманида умумхалқ хайрия ҳашари қизғин давом этмоқда



Айни вақтда ҳашарда 21 мингдан ортиқ тумандошларимиз иштирок этишаётган бўлиб, улар томонидан 21 гектардан ортиқ майдон, 113 та кўча ободонлаштирилди, 19 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, 2 та қабристон тартибга келтирилди ҳамда 5 та болалар майдончаси таъмирланди.

“Яшил ҳудудлар” яратиш ишлари доирасида 3 минг туп манзарали, 11 минг туп мевали дарахт кўчатлари, 12 минг 300 туп гул кўчатлари экилди. 19 минг 600 туп дарахтга шакл берилиб, оқланди. 50 дан ортиқ махсус техника воситалари ёрдамида 41 тонна маиший чиқинди махсус жойларга ташиб чиқарилди.

Туман бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари давом этмоқда.